

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ШАХС ЭЪТИҚОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ -ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Бухоро вилояти Вобкент тумани 32-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Музаффарова Фарида Мухтор қизи

Аннотасия: Ушбу мақолада шахс эътиқодини шакллантиришнинг назарий-методик асослари ижтимоий-педагогик муаммо сифатида алоҳида ёритилган.

Калит сўзлар: шахс. манавият, маданият, қадрият, уруф-одат ва ананалар, миллатлараро муносабат, шахс маънавий камолоти, кўп миллатлилик, ислом маърифати.

Глобаллашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, фан-техника соҳасидаги жадал ўзгаришлар, улар ўртасидаги интеграция ва барча соҳалардаги ижтимоий тараққиёт – шахс дунёқарашининг таркиби бўлган эътиқоднинг шаклланишига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу билан бирга, ХХИ асрнинг бошқа даврлардан кескин фарқи жамиятнинг ахборотлашуви натижасида шахсда эътиқоднинг сусайиши билан намоён бўлмоқда. Бир қараганда ахборотлашган жамият соф технологик жараён сифатида намоён бўлса-да, унинг асл мазмуни кенг миқёсда интегротив-ижтимоий жараён ҳисобланади. Негаки, ижтимоий ҳаётимизга жадаллик билан кириб келаётган ахборотлар жамиятни бошқариш, ривожлантириш, юксалтириш, кенгайтириш, диверсификациялаш, муқобиллаштириш, мослаштириш, идентификациялаш каби кўплаб хусусиятларга эга бўлмоқда. Аммо ахборотлашган жамиятнинг айрим салбий жиҳатлари ҳам кўзга ташланмоқдаки, бу унинг шахс дунёқарашини, ахлоқи, эътиқоди ва тарбиясига кўрсатадиган салбий таъсиридир. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фикри диққатга сазовор: “...ёшларнинг таълим-тарбияси ҳақида гапирганда, уларнинг китобга меҳри пасайиб, болаларимиз кўп вақтини

ижтимоий тармоқларда ўтказатганини алоҳида таъкидламоқчиман... фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият манбаи бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки биз учун ёт бўлган ғояларни ёшларимиз онгига сингдираётган зарарли ахборотлар асосида шаклланишига мен мутлақо қаршиман.”. Тезкорликда ривожланаётган бугунги давр ахборотлашган жамияти шахс онги ва ҳис-туйғуларини бошқармоқда.

Дарҳақиқат, жамиятда ахборотларнинг асосий истеъмолчиси ёшлар ҳисобланади. Зеро, бугунги кун ёшлари ўзларининг барча эҳтиёжларини, жумладан, маълумотлар, билимлар, ҳатто маслаҳатларни ахборот воситаларидан излаб топиб, амалда фойдаланмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, ёшлар учун ахборотлар эҳтиёжларни қондирадиган манбага айланди, десак адашмаймиз.

Дарҳақиқат, ахборотларнинг биз билган ва билмаган зарарларидан бири – шахс онгини сездирмай бошқариши, яъни манипуляциядир. Айнан манипуляция натижасида шахсда ўз эътиқодидан адашиш ёки бегоналашиш ҳолати учрамоқда.

Демак, манипуляция – бошқа бир шахснинг онги, идроки ёки хатти-ҳаракатлари, ишончини ўзгартиришга қаратилган сохта ёки аниқ бўлмаган ҳаракатлар ҳисобланади. Ахборотлар айни кунларда шахс онгини ана шундай бошқармоқда ва ҳаётий мақсадларини аниқлаб олишида тўсқинлик қилмоқда. Айнан ахборотлар манипуляциясига учраган шахслар келаётган ахборотларни таҳлил қилишни исташмайди, уларнинг хавфини қанчалик юқори эканлигини ҳис этмайдилар. Чунки манипуляция зўравонлик эмас, балки қизиқтириш, алдовдир. Шунинг учун унга нисбатан шахсда иммунитетни ҳосил қилиш лозим. Энг муҳими, шахснинг манипуляция қурбонига айланмаслиги учун уларда эътиқод, мустақил фикрлаш, танқидий тафаккурни ривожлантириш лозим. Зеро, онг ва тафаккури манипуляцияга учраган шахсларда бирор бир касб доирасида билим олиш, касбий фаолият билан шуғулланиш ва эътиқод шаклланмайди. Бу эса таълим муассасаларининг фаолиятида ҳам талай муаммоларни келтириб чиқармоқда. Яъни аксарият ёшларимиз таълим муассасаларида пухта билим эгаллаш, бирон-бир касб-

хунар билан шуғулланиш ўрнига ахборотларга муккасидан кетиб, вақт деган бебаҳо бойликнинг қадрига етмаяптилар. Кейинги йилларда ушбу масала кенг жамоатчилик, хусусан, ота-оналар ва педагогларни бирдек ташвишга солмоқда.

Юқоридаги фикрларга кўра, бугунги давр ёшларининг шахсий фазилатлари технологик ва ижтимоий тараққиёт натижасида шаклланмоқда. Улар ахборотларга тез ва осон мослашадилар, технологияларсиз ўз ҳаётларини тасаввур эта олмайдилар. Шу боис уларда соғлом эътиқодни шакллантириш орқали жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришимиз, ҳаётий мақсадларини амалга оширишга кўмаклашишимиз лозим. Демак, ҳозирги кунда ахборотлар яшин тезлигида тарқалаётган бир даврда, ёшларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этиш ва уларни аниқ бир мақсад сари яшашга ўргатиш, ёшлиқдан касбга йўналтириш орқали шахсий фазилатларини юксалтириш олдимизда турган долзарб вазифа. Маълум бўлишича, дунёда меҳнат ва касбга лаёқатли бўла туриб ишлашни хоҳламайдиган ёки бир касбда узоқ йиллар ишламайдиган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бизнингча, бу ҳолат қуйидаги салбий омиллар таъсирида рўй бермоқда:

ёшлар хатти-ҳаракатида миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиш даражасининг пасайиб бораётганлиги;

ахборотлар орқали кириб келаётган Ғарб маданиятининг шахс тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири;

шахсда мустақил фикрлаш ва эътиқод суствлигининг мавжудлиги;

ёшларнинг болалиқдан ота-оналар ва катталар томонидан аниқ бир касб ва хунарга йўналтирилмаганлиги;

шахсда касб танлаш жараёни тизимли ва изчил равишда олиб борилмаганлиги;

шахснинг енгил ҳаётга ружу қўйиши, мўмай пул топишга интилиши;

қийинчиликлар олдида ожизлик, руҳий тушкунлик ва иродасизлик;

шахснинг ижтимоий муносабатларга кириша олмаслиги, мулоқотчанлигининг пастлиги;

шахсда жамият талаблари даражасида замонавий билим эгаллашга қизиқишнинг пастлиги ва бошқалар.

Афсуски, бугунги кунда бу каби салбий иллатлар ёшлар хатти-ҳаракатида тез-тез кузатилмоқда ва ўз навбатида мазкур ҳолат улар эътиқодининг шаклланишига тўсқинлик қилаётган омиллардандир. Биз катталар ушбу муаммони ечишда ёшлар учун Интернетни чеклаш ва ахборот олишни тақиқлаш, кучли назоратни амалга ошириш билан муаммони ҳал эта олмаймиз. Дарҳақиқат, бугунги давр ёшлари асосий вақтини ахборотлар қуршовида ўтказмоқда. Бу, албатта, уларнинг таълим олиши, маънавий-ахлоқий тарбияси, шахс сифатида ўз-ўзини англашига салбий таъсир кўрсатади. Айрим ёшлар ўзининг билим олиши ва ҳаётга муносабати, касб танлашида катталар, ота-она, устоз-мураббийни эмас, Интернетни маслаҳатчи сифатида тан олмоқдалар, шунингдек, улардаги ахборотларга тобелик реалликдан йироқлашишга олиб келмоқда. Шундай экан, бугунги кунда шахснинг эътиқодини миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланиб шакллантириш, ёшларни улардаги инсонпарварлик ғояларига амал қилишга ўргатиш зарурияти ўта долзарб вазифа бўлиб турибди. Зеро, миллий ва умуминсоний қадриятларда юксак инсоний-ахлоқий қоидалар ўз ифодасини топган бўлиб, шахс тарбиясида фақат ва фақат уларга таянишимиз мумкин. Биламизки, шахснинг дунёқараши ва эътиқоди, ҳаётий мақсадлари миллий қадриятларни ўзлаштириш жараёнида шаклланади. Негаки, миллий қадриятлар шу даражада юксак ижтимоий педагогик, психологик таъсир кучга эгаки, у жамиятдаги ҳар бир оила ва таълим муассасасининг фаолият олиб бориши учун таянч бўлиб хизмат қилади. Айниқса, миллий қадриятлар кўпроқ оила шароитида намоён бўлади. Оилавий қадриятлар – байрам ва маросимлар, оила ҳаётида рўй берувчи турли ютуқ, воқеа, саналарни нишонлаш, хотирлаш сифатида ўтказилувчи анъаналардан иборат бўлиб, улар шахсда оила аъзоларига нисбатан ҳамжиҳатлик, ҳамдардлик, ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, меҳрибонлик каби фазилатларни тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан ўзбекона оилавий анъаналарнинг ўзига хослигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу эса

оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида намоён бўлади, яъни ота ва фарзанд, эр ва хотин, қайнона ва келин, ака ва ука, қўни-қўшни ўртасидаги ҳурмат, эътибор, самимийлик юзасидан ўрнатилган алоқалар жараёнида кўзга ташланади. Шахснинг илк болалик даврига хос бўлган нутқнинг ривожланиши ҳам миллий қадриятлардаги сўзларни ўзлаштириш натижасида рўй беради ва унинг амалий хатти-ҳаракатларига сингиб боради. Бу ҳолат бора-бора шахс эътиқоди шаклланиши жараёнига самарали таъсир кўрсатади. Миллий қадриятлар шахснинг кундалик турмуш тарзига шу даражада чуқур кириб ва сингиб кетганки, бу унинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, манфаатлари, қизиқишларида яққол кўзга ташланади. Айниқса, қадриятларда шахс эътиқодини шакллантириш масаласи асосий ўринни эгаллайди. Мисол тариқасида буюк бобокалонларимиз ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат кабиларнинг илм ва ўз танлаган йўлига қўйган юксак эътиқоди ва фидойилигини келтиришимиз мумкин. Бу каби алломаларимиз ақл-заковати ва илмга бўлган эътиқоди туфайли дунё аҳлини лол қолдирган. Номлари келтирилган алломаларимизнинг эътиқоди уларнинг аниқ бир эзгу мақсадга интилиши ва бу мақсад йўлида қийинчиликларни енга олишида, сабр-бардоши, иродаси, садоқатида кўзга ташланади. Шу билан бирга, аксарият алломаларнинг ютуқларида уларнинг шахси ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки улар шахс сифатида ўз қарашлари, идеаллари, қизиқишлари, эътиқодларига эга бўлганлар. Жумладан, буюк саркарда Амир Темурнинг мустаҳкам эътиқоди, унинг Чингизийлар устидан ғалаба қозонишига ва катта бир марказлашган давлатни барпо этишига сабаб бўлган бўлса, Алишер Навоийнинг халқ ва илмга бўлган эътиқоди уни жаҳонга машҳур қилди. Демак, хоҳ оилада бўлсин, хоҳ жамиятда қадриятларнинг устунлигини таъминлаш шахс тарбиясининг самарали кечишини таъминлайди. Шу боис миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ундаги эзгу ғояларга амал қилиш жамиятдаги ҳар бир шахснинг бурчидир. Умуман олганда, эътиқод нафақат бир

шахсга, балки бутун бир жамият, миллатга хос бўлган хусусиятларни ҳам ўзида камраб олади. Масалан, миллатимизга хос бўлган меҳрибонлик, яхшилик, сахийлик, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тўғрилик каби инсоний фазилатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб, унинг эътиқодига айланган ва у миллий онгимизга чуқур сингишиб кетган. Шахснинг эътиқоди якка-ягонадир, яъни эътиқодли инсон бўлиш – фақатгина бир ғояга, таълимотга, динга, ахлоққа амал қилиб содиқ қолиш. Унинг акси бўлган иккиюзламачилик, мунофиқлик, товламачилик, беқарорлик, хоинлик, ватанфурушлик каби иллатлар барча даврларда халқимиз томонидан қораланиб келинади. Эътиқод шахснинг онги, руҳи ва қалбига сингиб кетиб, ахлоқий тушунчалар, идеаллар, қадриятларга айланиб боради. Шу боис, эътиқод шахс ахлоқий фазилатларининг бош белгиси, деб эътироф этилиши зарур. Эътиқод – шахс дунёқараши ва қадриятининг кўзгуси, чунки у шахснинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, ҳаёт қийинчиликларини енгиши, иродаси ва сабр-бардошини чархлайди. Эътиқод шахснинг ўзига хос шундай хусусиятидирки, у фидойиликни, мақсадни амалга ошириш йўлида фаолликни юзага келтиради. Шахс маънавий оламини турли ахборотлар ва таъсирлардан асраш учун таълим-тарбиявий жараёнда қандай йўл ва усуллардан фойдаланиш ва қайси жиҳатларга эътибор қаратиш керак каби муаммо олдимизда турган экан, фикримизча, шахсда эътиқод мустаҳкамлигини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Демак, ахборотлашган жамиятда яшовчи ҳар бир шахснинг асосий хусусиятларидан бири – танқидий-таҳлилий фикрлаш бўлмоғи лозим. Зеро, бундай шахслар ташқаридан келаётган ахборотларни таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва асосли қарор қабул қилиш кўникмасига эга бўлиб, ўз ҳаётий позициясини фаол ҳимоя қила олади. Маълумки, шахс танқидий-таҳлилий фикрлаш орқали қабул қилаётган ахборотларнинг воқеликка мослигини текшириб чиқади, улар ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликларни кўздан кечиради ва ниҳоят ахборотлар орасидан ўзи учун муҳим, тўғри ва асл ахборотларни ажратиб олиш кўникмасига эга бўлади. Албатта, бу жараёнда шахснинг эътиқоди муҳим роль

ўйнайди. Танқидий-таҳлилий фикрлаш жараёнида шахс турли-туман манбаларга мурожаат қилади, олинган маълумотларни таққослайди, анализ ва синтез қилади. Аксарият ҳолларда танқидий-таҳлилий кўникмага эга бўлган шахслар ахборотларни қабул қилаётганларида ўз олдига бир қанча саволларни кўядилар, яъни шу ахборот унинг фаолияти учун муҳим аҳамият касб этадими ёки йўқми? Бундай шахслар ўзларининг қимматли вақтларини бекорчи нарсаларга сарфламайдилар, чунки уларнинг ҳаётий мақсадлари аниқ ва эътиқоди шаклланган бўлади. Танқидий фикрлаш – шахс учун ахборотларни таҳлил қилиш, кўплаб вариантлар орасидан энг мақбулини саралаб олиш, факт ва далиллар асосида мантиқий хулоса чиқариш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 490 б.
2. Валеева Р. Учебно-исследовательская работа студентов – средство самореализации личности. / Р. Валеева, С. Усова // Высшее образование в России, - № 9. - 2006. – С. 91-94.
3. Домозетов Х. Компьютеризация и проблемы здоровья, свободы и развития личности // Философская и социологическая мысль. - № 4. 2000. – С. 93-99.
4. Нуруллаева Ш.У. Моделлаштириш – илмий тадқиқот методи сифатида // Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў. –Нөкис, 2020. 6/1 сон.. – Б. 26-29.
5. Ramazonov, J. J. (2021). The role of self-governance in providing personal perfection. *Scientific progress*, 2(2), 1075-1078.
6. Ramazonov, J., & Xomidov, M. (2024). Milliy qadriyatlar asosida shaxs ma'naviy kamoloti shakllanishining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari. *Центральноазиатский журнал образования и инноваций*, 3(1), 200-202.
7. Рамазонов, Ж. Ж. (2020). ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. In *Эффективность применения инновационных технологий и техники в сельском и водном хозяйстве* (pp. 594-596).
8. Oripova N.X. Modellashtirish asosida bo'lajak o'qituvchilar kasbiy e'tiqodining shakllanishi. *Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy axborotlari*. – Toshkent, 2021.12-сон.– Б.125-130.